

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДАЛИЕВ АДХАМЖОН ҒУЛОМОВИЧ**

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК РИНИТНИ  
КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04-Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Далиев Адхамжон Гуломович**

Мактаб ёшидаги болаларда аллергия ринитни клиник- функционал хусусиятлари ва даволашни такомиллаштириш..... 1

**Далиев Адхамжон Гуломович**

Клинико-функциональные аспекты совершенствования лечения аллергического ринита у детей школьного возраста..... 21

**Daliev Adkhamjon Gulomovich**

Clinical and functional aspects of improving the treatment of allergic rhinitis in school-age children..... 33

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 36

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДАЛИЕВ АДХАМЖОН ҒУЛОМОВИЧ**

**МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА АЛЛЕРГИК РИНИТНИ КЛИНИК-  
ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04-Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Tib407 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdsi.uz](http://www.tdsi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Арифов Сайфутдин Саидазимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кривопапов Александр Александрович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент  
(Россия)

**Шамсиев Жаҳонгир Фазлидинович,**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қирғизистон давлат тиббиёт академияси**  
(Бишкек шаҳри)

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: (+99871)230-20-65, 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: (+99871)230-20-65, 230-47-99).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



*Handwritten signature of N.K. Xaydarov*

**Н.Қ. Хайдаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

*Handwritten signature of L.E. Hasanova*

**Л.Э. Хасанова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

*Handwritten signature of A.A. Abdulkayumov*

**А.А. Абдуқайюмов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (докторлик диссертациясининг (DSc) аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Аллергик касалликлар дунё хамжамиятида соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Аллергик ринит болалар ва катталар орасида энг кўп учрайдиган касаллик саналиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига асосан, «...ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 40%да аллергия мойиллик кузатилиб, ҳозирги кунда аллергия ринит учраши умумий популяцияда 10-20% ни ташкил этади ва бу рақамлар ошиш тенденциясини кўрсатмоқда»<sup>1</sup>. Эпидемиологик тадқиқотлар натижаларига кўра, аллергия ринит билан аҳоли барча ёш гуруҳларининг тахминан 20% касалланган. Аллергик касалликлар билан оғриган беморларнинг 54-75% ида касаллик ривожланишида ирсий мойиллик кузатилади. Аллергик ринитнинг болаларда ўзига хос кечиши билан вегетатив нерв тизимининг функционал ҳолати ўртасидаги муносабатлар, турли даволаш усуллари таъсири остида уларнинг динамикаси, бурун бўшлиғи тўқималаридаги морфологик ўзгаришлар организмнинг дастлабки вегетатив тонусини ҳисобга олган ҳолда керакли даражада акс эттирилмаганлиги долзарб муаммолардан биридир.

Болаларда аллергия ринитнинг шаклланиши ва кечишини ўрганиш муаммоси тиббиётнинг, жумладан, оториноларингологиянинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Шу сабабли аллергия касалликларнинг келиб чиқиши ва кечиши инсон муҳитининг иқлим ва географик шароитига, аҳолининг этник хусусиятларига, уларнинг ҳаёт ва овқатланиш тарзига, организмнинг ўзига хос реактивлигига сезиларли таъсир кўрсатишини, яъни касаллик минтақавий хусусиятларини аниқ белгилаб беришини асослашдан иборат. Илмий изланиш натижаларини таҳлил қилиш, болаларда аллергия ринит кечиши хусусиятларини янада чуқур ўрганиш, уларнинг патогенезини аниқлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат. Аллергик ринитнинг кечиши оғирлигини объектив баҳолаш изчиллигини таъминлайдиган беморларга йўналиш берувчи схемаларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш муҳим ҳисобланиб, жарроҳлик амалиётига кўрсатмаларни, характери, ҳажми, кетма-кетлиги, муддатини аниқлаш механизм ва амаллар мажмуасини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилаш имконини берадиган сифатли соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, соғлом авлод тарбияси учун шарт-шароит яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун аҳолига кўрсатилаётган тиббиёт соҳасидаги ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш доирасида жаҳон андозалари талабларига мос келувчи мақсадли чора - тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор соғлиқ ҳолатига молекуляр-генетик ташхис қўйиш, скрининг ва мониторинг қилишнинг замонавий усулларини жорий этишга қаратилган бўлиб, касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш бош мақсад эканлигини инобатга

---

<sup>1</sup> [https://www.who.int/respiratory/other/Rhinitis\\_sinusitis/ru/](https://www.who.int/respiratory/other/Rhinitis_sinusitis/ru/)

олган ҳолда «...болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик, шу жумладан микрожарроҳлик ва кичик инвазив тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш, касалликларга мойил бўлган, хавф остидаги гуруҳга кирадиган болаларга эрта ёрдам бериш дастурларини амалга ошириш, касалликларга чалинган болаларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш тизимини такомиллаштириш...» каби вазифалар бош мезон сифатида белгиланган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Болаларда аллергия ринитни ўзига хос клиник хусусиятлари ва даволашни такомиллаштиришга йўналтирилган мақсадли изланишлар жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказлари томонидан, жумладан, Children's Hospital La Fe (Испания), Meyer Children's University Hospital, Sapienza University of Rome, Istituto G. Gaslini (Италия), Medical University of Warsaw (Польша), University of Sydney, University of Queensland (Австралия), University of Pretoria (Жанубий Африка), Federal University of Paraná Curitiba (Бразилия), Yonsei University College of Medicine (Жануубий Корея), University of Chengdu, Capital Medical University, Medical University of Foshan (Хитой), Medical University of Chung Shan (Тайван), National Research Institute for Child Health and Development (Япония), Trakya University (Туркия); «Оториноларингология миллий тиббий текширув маркази» (Москва, Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий–амалий тиббиёт маркази, Андижон давлат тиббиёт институтида (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармонида оид 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.meyer.it](http://www.meyer.it); [www.woolcock.org.au](http://www.woolcock.org.au); [www.policlinicoumberto1.it](http://www.policlinicoumberto1.it); [www.medicine.yonsei.ac.kr](http://www.medicine.yonsei.ac.kr); [www.en.uestc.edu.cn](http://www.en.uestc.edu.cn); [www.hospital-lafe.com](http://www.hospital-lafe.com); [www2.ebserh.gov.br](http://www2.ebserh.gov.br); [www.ccmu.edu.cn](http://www.ccmu.edu.cn); [www.cellulartherapies.com](http://www.cellulartherapies.com); [www.ncchd.go.jp](http://www.ncchd.go.jp); [www-en.trakya.edu.tr](http://www-en.trakya.edu.tr); [www.up.ac.za](http://www.up.ac.za); [www.zgwhfe.com](http://www.zgwhfe.com); [www.bch.com.cn](http://www.bch.com.cn); [www.csmu.edu.tw](http://www.csmu.edu.tw); [www.gaslini.org](http://www.gaslini.org); [www.wum.edu.pl](http://www.wum.edu.pl); [www.uniroma1.it/it](http://www.uniroma1.it/it) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Дунёда болаларда аллергия ринитни клиник-функционал хусусиятлари ва даволашнинг янги усуллари қўллаш, унинг самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига қаратилган илмий тадқиқотлар юзасидан бир қатор илмий изланишларнинг натижалари олинган, жумладан, касаллик белгиларини ноадекват назорат қилиниши, касалликни оғир шаклларига олиб келганлиги туфайли, ўз ўзини баҳолаш, мониторинг қилиш бу ҳолатларнинг олдини олиши ўз тасдиғини топган University of Sydney (Австралия); болаларда иккинчи авлод H<sub>1</sub>-антигистамин дори воситаларини (sgAH) қўллаш биринчи қатор танлов препарати эканлиги исботланган Children's Hospital La Fe (Испания); беморларнинг педиатрик популяциясида флутиказон фууроат (FFNS) билан даволанганлар, плацебо усули қўлланилганларга қараганда кунлик назал белгилар камлиги билан фарқланган Istituto G. Gaslini (Италия); инновацион мобил технологиялар орқали болаларда аллергия ринит белгиларини эрта ва юқори аниқликда ташхислаш мумкинлиги исботланган Federal University of Paraná Curitiba (Бразилия); оксид азотининг кенг қамровли таҳлил натижаларига асосланган ҳолда аллергия ринитни болаларда эрта ташхислаш имкони борлиги исботланган Yonsei University College of Medicine (Жанубий Корея); сублингвал-специфик иммунотерапия (SLIT) орқали даволаш асосий танлов терапияси эканлиги исботланган University of Chengdu; тизимли реакцияга (SR) мойил болаларда аллергия ринитни тери ости иммунотерапияси (SCIT) усули орқали даволаш самарадорлиги исботланган Medical University of Foshan (Хитой Ҳалқ Республикаси); тери прик-синамаси ва зардобдаги аллергияспецифик иммуноглобулин E таҳлиллари мавжуд бўлмаган ҳолларда, назал аллергия (NAC) синамаси ташхислашнинг олтин стандарти эканлиги исботланган Trakya University (Туркия); седатив хусусиятга эга бўлмаган тизимли таъсир кўрсатувчи (нсH<sub>1</sub>-AG) антигистамин дори воситаларини болаларда қўллаш юқори самарадорликга эга эканлиги исботланган Оториноларингологлар миллий тиббий ассоциацияси (Россия Федерацияси); аллергия ринитни Ўзбекистон шароитида учраши ўрганилган Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Дунёда аллергия ринитнинг замонавий ташхиси ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: комплаентликка тўла риоя қилган ҳолда сублингвал иммунотерапия (SLIT) қабул қилган болалар зардобдаги специфик IgE (s-IgE) даражасини аниқлашни такомиллаштириш; лептин индуцирлаган ILC2 хужайраларида ишлаб чиқарилган IL-17, касаллик белгиларини кучайтириши сабабли, лептиннинг блоканиши аллергия ринитни даволашга олиб келишини асослаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Болалардаги ARни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, лекин ханузгача бу муаммонинг кенг тарқалиши, ўсиб бораётган тенденциянинг мавжудлиги, этиологияси ва патогенезининг кўп қирралилиги билан турли соҳалар мутахассисларини жалб қилишда давом этмоқда (Ревякина В.А., Дайхес Н.А., Геппе Н.А., 2015; La

Mantia I., Andaloro C., 2017). Кўп тадқиқот натижаларига кўра, аллергия ринитнинг клиник намоён бўлади, бошланиши аллергияларнинг 2-3 мавсумда таъсир этишининг мавжудлиги дея эътироф этилади. Аллергия ринит хасталигига чалиниш қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳар аҳолиси ўртасида касалланиш даражаси кўпроқ учрайди. Статистик маълумотларга кўра, аллергия ринитдан азият чекувчилар асосан шаҳар аҳолиси бўлиб, улар умумий беморларнинг 75 % ни ташкил этади, 25% эса қишлоқ аҳолиси эканлиги қайд этилган. Болаларда АРни даволаш усул ва воситалари ҳамда касалликни олдини олиш борасида амалдаги соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги босқичида чора-тадбирларининг жуда катта заҳирасига эга бўлишига қарамасдан, улар ҳар доим ҳам ижобий таъсир кўрсатмаяпти. (Roberts G., Hatzipsalti M., Borrego L.M. et al.. 2013; Rotiroti G., Hofmaier S., 2015; Roberts G., Scadding G.K., 2015). АР билан оғриган беморларни даволашнинг самарали ва рационал усуллари танлаш охиригача ҳал этилмай қолмоқда, бу ушбу касалликнинг самарали даволаш усуллари излашнинг долзарблигини белгилайди (Hill D.A., Grundmeier R.W., Ram G., Spergel J.M., 2016). Жумладан, АР болаларда касалликнинг клиник кечиши ВНТнинг функционал ҳолатига нисбатан ўрганилмаган ва даволаш самарадорлиги бошланғич вегетатив тонусдаги (БВТ) турини ҳисобга олган ҳолда баҳоланмаган. Бола популяцияси орасида АРнинг кенг миқёсда тез ўсиши, бу муаммони ҳар томонлама - тиббий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатдан долзарб қилиб кўйди. (Намазова-Баранова Л.С., 2011; Akdis C.A., Hellings P.W., Agache I., 2015)

Ўзбекистонда АР нинг тарқалиши 10 йил ичида 2 мартаба ортди (Назаров О.А., 2010). У.Х. Мухамеджановнинг (2004) маълумотларига кўра, Тошкент шаҳри шароитида халқаро экспедиция усулидан фойдаланиб тадқиқотлар ўтказилганда, аллергия ринит тадқиқотларнинг биринчи босқичида текширилганларнинг 35,0%и ва иккинчи босқичида 15,3%ида аниқланган. Аллергия ринитнинг тарқалиш даражаси ва унинг клиник кечиши ёш ва жинсга боғлиқ: 7-8 ёшли ўғил болалар касалликнинг енгил клиник шакллари билан касалланиши кўпроқ учрайди, 13-14 ёшли қизларда эса касалликнинг оғир клиник шакллари кенг тарқалган. Мамлакатимиз олимлари ҳам болаларда АРнинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотларни олиб бордилар. Сўнгги ўн йиллар давомида яратилган адабиётларда жумладан, М.М. Хакбердиев (2005), У.Х. Мухамеджанов (2004), С.А. Хасанов (2006), И.Р. Рузиева (2010) ва бошқаларнинг тадқиқотларида АР натижалари тақдим этилган. Ф.Б. Нурмухамедованинг сўнгги маълумотларига кўра, турли ичак паразитозларининг мавжудлиги, ҳатто уларнинг субклиник кечиши ҳам болаларда АРнинг кечишига салбий таъсир кўрсатишлигини аниқлади.

Шундай қилиб, болаларда аллергия ринитнинг клиник кечишини касалликнинг шакли, белгиларининг намоён бўлиш даражасини ва организмнинг бошланғич вегетатив тонуси билан ўзаро боғлиқлиги етарлича ўрганилмаган. Аллергия ринитда бурун анатомик тузилмаларида



кузатиладиган морфологик ўзгаришларни организмнинг бошланғич вегетатив тонусининг турли типлари билан ўзаро муносабати ўрганилмаган.

Болаларда алергик ринитнинг клиник кечишини касалликнинг шакли, белгиларининг намоён бўлиш даражаси, организмнинг бошланғич вегетатив тонуси ҳолатини ўзаро муносабатларини инобатга олган ҳолда мақсадли даволаш етарлича ишлаб чиқилмаган. Ушбу ҳасталиқда замонавий даволаш тактикасини ривожлантириш тадқиқот ишининг долзарблигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01970005004-сонли «Қулоқ, бурун ва томоқ касалликларига ташҳис қўйиш, даволаш, реабилитация ва рационал профилактикаси самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш» (2014-2021 йй.) мавзусида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда алергик ринитни мажмуавий ташхислашни ва даволашга қиёсий ёндошишни организм бошланғич вегетатив тонусининг касалликнинг клиник-морфологик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

алергик ринит билан касалланган болаларда бошланғич вегетатив тонус ва организм вегетатив таъминоти фаолиятини ҳолатини баҳолаш.

болаларда алергик ринитнинг турли шакллари ва клиник кечишининг организм бошланғич вегетатив тонусига таъсирини ўрганиш.

болаларда алергик ринитни ташхислаш ва даволаш ҳолатини шифокорлар учун ишлаб чиқилган сўровнома ёрдамида таҳлил қилиш.

алергик ринитнинг тажриба моделида организмнинг бошланғич вегетатив тонусининг турли турларида бурун бўшлиғи морфологик тузилишидаги ўзгаришларни асослаш.

болаларда бошланғич вегетатив тонуснинг ваготония турида алергик ринитни босқичма-босқич даволашни такомиллаштириш.

болаларда алергик ринитни мажмуавий дори-дармонлар билан даволаш натижаларини баҳолаш ва болаларда организмнинг бошланғич вегетатив тонусини ҳисобга олган ҳолда алергик ринитни даволаш ва ташхислаш амаллари мажмуасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида алергик ринит билан даволанган 217 нафар беморлар олинган. Тадқиқотнинг тажриба қисми учун 36 вояга етмаган денгиз чўчқачаларидан фойдаланилди, булардан 10 таси соғлом ва 26 таси АР (асосий гуруҳ)га ажратилди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида илмий тадқиқотлар асосида беморлар бурун бўшлиғи шиллиқ қавати ажралмаси, бурун бўшлиғи шиллиқ қавати гистологик препаратлари, қони, бурун бўшлиғи функционал ҳолати, вегетатив нерв тизими текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, эндоскопик, бурун функцияларини баҳолаш, лаборатор, иммунологик, нур, морфологик,

бошланғич вегетатив тонус ҳолати ва организм фаолиятини вегетатив таъминотини аниқлаш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор аллергик ринит билан хасталанган болаларда бошланғич вегетатив тонусининг ваготоник тури юқори эканлиги асосланган;

аллергик ринит билан хасталанган ва бошланғич вегетатив тонуснинг нормотоник турига эга бўлган болаларда вегетатив таъминланганликнинг меъёрий, симпатикотоник турига мансубларда асимпатикотоник ва ваготоник туридагиларда тахикардик варианты аниқланган;

вегетатив тонусининг нотурғунлиги аллергик ринит билан хасталанган ва бошланғич вегетатив тонуснинг ваготоник турига мансуб болаларда гиперсимпатикотоник, симпатикотонияда асимпатикотоник ва нормотонияда меъёрий реакция билан намоён бўлиши ишонарли равишда кўп учрайди;

тажрибада аллергик ринит чақирилган хайвонлар бурун бўшлиғи тўқималаридаги морфологик бузилишлар дисциркулятор, дистрофик-некротик, яллиғланиш ва тартибсиз ўзгаришларнинг биргаликда учраши билан тавсифланиши аниқланган;

аллергик ринит чақирилган тажриба хайвонлари бурун бўшлиғи тузилмаларидаги барча морфологик ўзгаришлар организм бошланғич вегетатив тонусининг парасимпатикотоник турида яққолроқ шаклларда намоён бўлиши тажриба қисмида аниқланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Организмнинг бошланғич вегетатив тонусининг ваготоник тури мавжуд бўлган болаларда аллергик ринитнинг салбий кечиши исботланган;

организмнинг бошланғич тонусига боғлиқ равишда аллергик ринит билан хасталанган болаларни кузатиш учун шифокор тактикаси кетма-кетлиги ишлаб чиқилган;

аллергик ринит билан хасталанган болаларда вегетатив ўзгаришларнинг клиник кўринишларини таҳлил қилиш ва бошланғич вегетатив тонус турини оддий усулда аниқлаш имконини берувчи мослаштирилган ташхисий белгилар жадвали тавсия қилинган;

аллергик ринит билан хасталанган болаларда организмнинг бошланғич вегетатив тонуси ҳолатини аниқлаш ва вегетатив ўзгаришларни мақсадли даволашни таклиф қилинган усул бўйича амалга ошириш тавсия этилган;

бошланғич вегетатив тонуснинг ваготоник турига мансуб аллергик ринит билан хасталанган болаларни комплекс даволашда парасимпатик турини камайтириш ва симпатик иннервациясини фаоллоштиришга қаратилган дори воситалари ҳамда физиотерапевтик муолажаларни ўтказиш тавсия этилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шундаки,** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, қониқарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг клиник, оториноларингологик, эндоскопик, нурли ва статистик

усуллар асосида алергик ринитнинг бошланғич вегетатив тонус турини ҳисобга олган ҳолда қўйилган замонавий ташҳиси ва босқичма-босқич даволаш самарадорлигини оширишнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, болаларда алергик ринитни аниқлаш ва клиник-функционал хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар, вегетатив нерв тизими кўрсаткичлари мамлакатимизда бу соҳада янада тадқиқотлар ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади, шунингдек, клиник ва тажриба тадқиқотлар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш, бу йўналишда илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга ҳисса қўшгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса алергик ринитнинг бошланғич вегетатив тонус турини ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган ва синовдан ўтган босқичма-босқич даволаш усули соғлиқни сақлаш тизимида ташкилий, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни режалаштириш, миёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун аниқ таклифлар бериш учун асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Болаларда алергик ринитни ташҳислаш ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Нейровегетатив ва алергик ринит болаларда вегетатив нерв тизими ҳолатини аниқлаш усули» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 8н-р/300 сон буйруғи билан тасдиқланган). Мазкур услубий тавсиянома алергик ринитни ташҳислашни ва тўла қонли даволашни таъминлаган.

«Болалар ва ўсмирларда нейровегетатив ва алергик ринитда бурун эпителийсининг цилиар фаоллигини ўрганиш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 8н-р/301 сон буйруғи билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсиянома алергик ринит беморларнинг текширишнинг ташҳислаш мезонларини аниқлаш ҳамда даволашни такомиллаштириш имконини берган.

«Мақтаб ўқувчиларининг вегетатив нерв тизимининг дастлабки ҳолатини инобатга олган ҳолда алергик ринитнинг босқичма-босқич фармакотерапиясини ўзгартириш усули» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 8 н-р/302 сон буйруғи билан тасдиқланган). Ушбу услубий тавсиянома алергик ринит беморларнинг текширишнинг ташҳислаш ва мажмуавий даволаш имконини берган.

Олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази, оториноларингология бўлими ва поликлиника оториноларингология хонаси, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тиббий поликлиника оториноларингология хонаси ва Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасининг поликлиника оториноларингология хонаси амалиётига, шунингдек Андижон давлат тиббиёт институти ўқув жараёнига жорий қилинган. Олинган натижаларни амалиётда қўллаш болаларда аллергия ринитни ташхислашни яхшилаш, носпецифик терапия самарадорлигини ошириш ва касалликнинг қайталаниш сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижа ва хулосалари 3 та халқаро, 5 та Ўзбекистон илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та (13 таси журналлардаги мақолалар, шу жумладан, 10 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) илмий иш чоп этилган.

Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Илмий ишнинг **“Кириш”** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда аллергия ринит муаммосининг ҳозирги ҳолати. ЛОР аъзолари касалликларида вегетатив нерв тизимининг ҳолати»** номли биринчи боби 4 бўлимдан ташкил топган бўлиб, бунда адабиётлар шарҳи келтирилган. Унда болаларда аллергия ринитнинг тарқалганлиги, этиологияси, патогенези, клиник кечиши, ташхисоти ва даволаш усуллари бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган. ЛОР аъзоларининг турли касалликларида ВНТ ҳолати ва уларнинг бузилишларининг таъсири очиқ берган илмий манбалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Материалнинг умумий хусусиятлари ва текширув усуллари**» деб номланган иккинчи боби 3 бўлимдан иборат. Тадқиқотга 217 нафар мактаб ёшидаги (7-16 ёш) АР болалар жалб қилинган бўлиб, уларда АР ташҳиси аллергологик ва иммунологик текширув усуллари билан тасдиқланган. Беморларнинг ёшга қараб гуруҳларга ажратиш Н. П. Гундобиннинг модификацияланган таснифига мувофиқ амалга оширилди АРни ташҳислашда 10-ХКТдан фойдаланилди. Барча беморларда бурун ёндош бўшлиқлари (БЁБ) касалликлари нурли текшириш усуллари ёрдамида инкор этилди, шунингдек, марказий нерв ва юрак-қон томир тизими касалликлари ҳамда ҳамроҳ касаллиги бўлган беморлар тадқиқотдан четлаштирилди (мавжуд сурункали касалликлари ремиссия даврида бўлган). Вилоят ташҳис марказининг аллергология хонаси ва Андижон вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази ЛОР бўлимига бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари патологияси билан тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган беморлар уч босқичда саралаб олинди. Текширилганлар орасида қиз болалар - 124 нафар (57%), ўғил болалар – 93 нафар (43%)ни ташкил этди. Кузатиш даврида, сўнгги тўрт йили ичида (2010-2019 йй) АР беморларнинг кўпайиш тенденцияси ортган бўлсада, касалликни аниқлаш кўрсаткичларида сезиларли ўзгариш кузатилмади.

Қабул вақтида АР кечиши оғирлигини ҳисобга олган ҳолда беморлар куйидагича тақсимланди: енгил кечиши – 39 (18%), ўртача кечиши – 125 (57,6%), оғир кечиши – 53 (24,4%), яъни касалликнинг ўртача кечишининг устунлиги кузатилди. Текширилган беморлар орасида мавсумий аллергик ринитнинг (МАР) устунлиги кузатилди. МАР – 125 (61,7%), доимий аллергик ринит (ДАР) – 92 (38,3%) ҳолларда аниқланди, уларнинг нисбати 1,36:1 ташкил этди. Аксарият адабиёт манбаларда болаларда касалликнинг тарқалиши бўйича МАРнинг ДАРдан кўп учраши ҳам баён этилган.

Кузатишнинг барча йиллар давомида мурожаат қилган беморлар сонининг энг кўпи март ойидан июнь ойигача ҳамда август ойидан ноябрь ойигача бўлган даврларда кузатилиб, асосан МАРли беморлар ташкил этди, ДАР беморлар мурожатида статистик муҳим тебранишлар кузатилмади. Тадқиқотга киритиш ва чиқариб ташлаш мезонлари шакллантирилди. Тадқиқотда ВНТ кўрсаткичларига таъсир қилишни истисно қилиш учун бошқа аъзолар касалликларининг клиник ва лаборатория кўринишининг йўқлиги муҳим мезони бўлди (ҳамроҳ касалликлар, хусусан, асаб ва юрак-қон томир тизимларининг патологияси чиқариб ташланди, айрим сурункали касалликлар заифлашиш босқичига ўтказилди). Барча болалар неврологи, кардиолог ва педиатр мутахассислар кўрувидан ўтказилди.

Текширилган болаларда клиник (шикоятлар, касаллик тарихи ва ҳаёти, терининг ҳолатини баҳолаш, кўринадиган шиллиқ пардалар, таянч-ҳаракат тизими, асаб тизими, ички аъзолар), оториноларингологик (отоскопия, олд риноскопия, фарингоскопия, билвосита ларингоскопия), бурун бўшлиғи ва бурун ҳалқум эндоскопияси, бурун вазифалари (нафас олиш, транспорт, хид билиш, адреналин синамаси), аллергологик (аллергологик тарихи пухта

тахлили, скарфикацион тест), лаборатор (қон, сийдик умумий таҳлили, эозинофилияга бурун бўшлиғидан олинган суртма), иммунологик (бурун ажралмасидан IgE аниқлаш), нурли (бурун ва БҒБ рентгенография тўғри йўналишида ва МСКТ), ВНТ ҳолатини баҳолаш (БВТ, вегетатив таъминот фаолияти, вегетатив бурилиш ҳолатини ўрганиш) текширувлар ўтказилди.

Тадқиқотнинг тажриба қисми Андижон давлат тиббиёт институти марказий илмий тадқиқот лабораториясида ҳар иккала жинсдаги наслсиз 200-300 г оғирлигидаги 36 денгиз чўчқачаларида олиб борилди. Аллергик ринит моделини яратиш Д.И. Заболотний (1979) усули бўйича амалга оширилди. Морфологик тадқиқотлар республика патоанатомик марказида (директор-тиббиёт фанлари доктори, профессор Р.И. Исроилов) ўтказилди ва организмнинг БВТ ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бурун бўшлиғи тўқималарини нормал ва аллергик ринитда баҳолаш учун ёруғлик микроскопиясидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари статистик таҳлил қилиш вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилди. Олинган қийматларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стьюдент ишончилилик фарқини мезони (t) ва нормал тақдимотга бўлган маълумотлар учун ишончилилик даражаси (P) ишлатилган,  $P < 0,05$ ни қаноатлантирувчи фарқлар муҳим қабул қилинди.

**Учинчи «Аллергик ринитли беморларнинг дастлабки вегетатив тонуси ва вегетатив ўзгаришларининг клиник хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши. Аллергик ринитли болаларда вегетатив реактивлик ва вегетатив таъминот фаолиятини баҳолаш фаолиятни вегетатив таъминлаш»** номли бобда ВНТ текшириш натижалари тақдим этилган.

Кардиоинтервалография текшируви маълумотларига кўра, БВТ 217 АР боланинг 52 (23,96%)да нормотония, 117 (53,9%)да ваготония (парасимпатикотония) ва симпатикотония 48 (22,1%) аниқланди. Болалар орасида БВТнинг турлари учраши қуйидагича бўлди: ДАРли болаларда нормотония 24 (26%), ваготония 46 (50%) ва симпатикотония 22 (24%). МАРли болаларда бу нисбат қуйидагича эди: нормотония 28 (22,4%), ваготония 71 (56,8%) ва симпатикотония 26 (20,8%).

Шуни таъкидлаш жоизки, кардиоинтервалография усулини ўтказиш ва натижаларини ҳисоблаш нисбатан ноқулай бўлиб, тиббиёт муассасалари даражасида кундалик амалиётда фойдаланишни чеклайди. Бошқа томондан, М.И. Сеченов номидаги Москва тиббиёт Академиясининг "Вегетология муаммолари" марказида ишлаб чиқилган ташхисий белгилар жадвалига кўра ўрганилган патология хусусиятлари натижаларни ҳисобга олган ҳолда киритилган қўшимчалар билан, ўз ичига олган сўровнома ва объектив кўрсаткичларни рўйхатга олиш билан ўтказиш ва талқин қилиш осон. Шу муносабат билан кардиоинтервалографияда олинган натижаларни болаларда БВТни аниқлаш ташхисий белгилар жадвали ёрдамида белгиланган ўхшаш натижалар билан солиштирдик.

Ташҳисий белгилар жадвали диагностик белгилар жадвали бўйича 217 нафар болалардан БВТнинг 51 нафарида (23.5%) нормотония, 118 нафарида (54.4%) ваготония (парасимпатикотония), 48 нафарида (22.1%) симпатикотония тури аниқланди. ДАР болалар орасида БВТнинг турлари қуйидаги ҳолда учради: нормотония 24 (26%), ваготония 46 (50%) ва симпатикотония 22 (24%). МАР болаларда, бу нисбат қуйидагича бўлди: нормотония 27 (21.6%), ваготония 72 (57.6%) ва симпатикотония 26 (20.8%). Бошлангич вегетатив тонуснинг ҳар учала турини аниқлаш бўйича иккала усулнинг натижалари бир-биридан фарқ қилмади. Бу жадвалнинг юқори ахборотли эканлигини ва амалиётда мустақил равишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди.

ВНТ функционал ҳолати билан боғлиқ вегетатив ўзгаришларнинг намоён бўлиши кўпинча турли касалликларнинг кечишида аҳамиятлидир. Бироқ, мавжуд адабиётларда бу кўринишларни АРли болаларда БВТга нисбатан таҳлил қилувчи мақсадли тадқиқотлар топилмади.

БВТ ваготония бўлган беморлар учун вегетатив ўзгаришларнинг энг характерли кўринишлари: турли давомийлик ва интенсивликдаги босувчи ёки пульсацияловчи белгилар бош оғриғи, кардиалгия, баъзида "тиғизлик" ҳисси ва терининг қизариши, қон томир нақшлари кучайиши, доимий қизил дермографизм, оёқ ва кифтларнинг намлиги, сўлакнинг оқиши, совуқ бардошлиликнинг пасайиши бўлди. Кўпинча брадикардия ва бош айланиши, "нотўлиқ нафас олиш" ҳисси, кўнгил айнаши, газ ҳосил бўлиши, спастик кабзият, оёқларда оғриқ пайдо бўлиши кузатилди. Улар уйқучанликни ошириб, фаол уйғоқликка ўтишни секинлаштириш аниқланди.

Симпатикотониянинг устунлиги юракнинг тез уриши, терининг оқариши ва қуриши, оқ ёки пушти дермографизм, склера ялтираши, кўз қорачиғи кенгайиши, тахикардияга мойиллик ва қон босимининг кўтарилиши, шишиш билан характерланади. Бош оғриғи кўпинча хуржсимон юзага келади, нисбатан тез ўтади, баъзан кўнгил айнаши билан кечади. Оёқ - қўллар совуқ, АР оғирлашганда эса гипертермияга мойиллик кузатилади. Иссиқлик, димлик, шовқин ва ёрқин нурлар таъсирига чидамсиз.

Турли давомийлик ва интенсивликдаги босувчи ёки пульсацияловчи белгилар бош оғриғи, кардиалгия, баъзида "тиғизлик" ҳисси ва терининг қизариши, қон томир нақшлари кучайиши, доимий қизил дермографизм, оёқ ва кифтларнинг намлиги, совуққа бардошлиликнинг пасайиши каби белгилар АР энгил кечишида кузатилмади. Шу билан бирга, болаларда АР оғир кечишида вегетатив касалликлар белгилари янада аниқ намоён бўлди, яъни, вазомотор касалликлар, иссиқлик безовталик ҳисси, нотинч уйқу, безовталик, асабийлашиш, тез тез бош оғриғи, бош айланиши, юрак уриши, юрак соҳасидаги санчиксимон ёки сиқишли оғриқ аниқланди.

Ташҳисий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда вегетатив ўзгаришларнинг барча клиник белгилари 3 даражага бўлинди. I даражали аҳамиятга эга бўлган белгилар соғлом шахсларда топилмаганларни ўз ичига олган ва бу патологияда уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли 65% дан ошган. Соғлом ва АР

болаларда ҳам аломатлар топилди, лекин учраш эҳтимоли 65%дан кам белгилари II даражали аҳамиятга эга сифатида аниқланди. III даражали аҳамиятга эга бўлган белгилар - АР билан оғриган беморларда соғлом шахсларга нисбатан уч баробар кўп бўлмаган марта кузатилиши бўлди.

Умуман, АР болаларда касалликнинг оғир (54%), сўнгра ўртача (32%) ва енгил (14%) кечишида I даражасининг энг кўп белгилари аниқланди. II даражали аҳамиятга эга бўлган белгилар кўйидаги кетма - кетликда топилди: енгил кечишида - 23%, ўрта оғирлик кечишида - 47% ва оғир кечишида - 30%. Енгил кечиш - 51%, ўрта оғирлик кечиш - 37% ва оғир кечиш - 12%. III даражали аҳамиятга эга бўлган белгилар учун кўйидаги кетма - кетлик мавжуд эканлиги аниқланди.

БВТнинг нормотоник турида, асосан, нормал (82.7%), ваготонияда эса кўпроқ асимпатикотоник (63.2%) ва нормал (35.1%), симпатикотонияда гиперсимпатикотоник (64.5%) ва нормал (33.4%) вегетатив реактивлик аниқланди. БВТси нормотония сифатида қаралган мутлақ кўпчилик соғлом ва АР болаларда клиноортостатик синаманинг (КОС) нормал, кичик фоиз ҳолларда “тахикардик” ва “гиперсимпатик” вариантлар кузатилди. БВТ тури ваготоник АР болаларда КОСнинг нормал варианты устунлик қилди, кичик фоиз ҳолларда асимпатикотоник ва гипердиастилик вариантлари топилди. Симпатикотоник турида ортостада КОСнинг тахикардик (39.4%), нормал (35.4%) ва гиперсимпатикотоник (25%) вариантлари аниқланди.

**Тўртинчи бобда аллергик ринит бўлган болаларнинг клиник хусусиятлари келтирилган.**

Барча 217 нафар АР болалар икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ 92 нафар ДАР болаларидан иборат бўлди. Иккинчи гуруҳга 125 нафар МАР болалар киритилди. Ҳар бир гуруҳ БВТ ҳолати ҳисобга олиниб, кўйидагича: 1А кичик гуруҳ – БВТси ваготония бўлган 46 нафар ДАР беморлар; 1Б кичик гуруҳ - БВТси нормотония бўлган 24 нафар ДАР беморлар; 1В кичик гуруҳ - БВТси симпатикотония бўлган 22 нафар ДАР беморлар; 2А кичик гуруҳ - БВТси ваготония бўлган 71 нафар МАР беморлар; 2Б кичик гуруҳ - БВТси нормотония бўлган 28 нафар МАР беморлар; 2В кичик гуруҳ - БВТси симпатикотония 26 нафар МАР бўлган беморлардан иборат 3 та кичик гуруҳларга бўлинди.

Ҳар иккала гуруҳда ҳам ҳар уч гуруҳга хос (асосий, кўшимча ва ўзига хос бўлмаган) белгилар касалликнинг ўртача ва оғир кечишига нисбатан енгил шаклда камроқ намоён бўлди. Касалликнинг барча клиник белгиларининг энг тўлиқ рўйхати ва кўпроқ намоён бўлиши ДАР ва МАРнинг оғир кечиш шаклларида кузатилди. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, МАР билан беморлар барча гуруҳлар шикоят (айниқса, асосий, номахсус) ДАР билан беморларга нисбатан кучлироқ намоён бўлди.

Биринчи ва иккинчи гуруҳларнинг ҳар учала кичик гуруҳларида касалликнинг ўрта оғирлик кечиш шакли энг кўп тарқалган бўлиб – 54%, 50%, 54% ва 66%, 50%, 54% ни ташкил этди. 1А кичик гуруҳида оғирлик кечиш шакли (29%) ва енгил кечиш шакли (17%) қайд қилинди. 1Б кичик гуруҳида



ўрта оғирлик кечиш шаклдан кейин енгил кечиши (29%) ва ундан кейин ДАРнинг оғир шакли (21%) бўлиб, улар орасидги фарқ ишончсиз бўлди. 1 В кичик гуруҳида касалликнинг енгил ва оғир кечиш шакллари тенг деб топилди, яъни ҳар бири 23%данга тўғри келди.. Иккинчи гуруҳнинг барча кичик гуруҳларида МАР учраши бўйича оғир кечиши ва энг кам енгил кечиши аниқланди (2А кичик гуруҳ– 23%, 11%: 2Б кичик гуруҳ – 29% ва 21%, 2В кичик гуруҳ– 27% ва 19%, нисбатан).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олинган маълумотлар БВТнинг ваготония ҳолатида ДАР ва МАР оғир кечиши шаклида аниқланди. Йил давомида касалликнинг айрим белгилари кузатилсада, йилнинг турли даврларида барча беморларда ДАРнинг клиник белгиларининг яхшиланиши ва ёмонлашуви эпизодлари кузатилди. ДАР кечишида 21 (23,9%) бемор куз, 16 (18,2%) бемор қиш, 24 (27,3%) бемор баҳор, 9 (10,2%) бемор ёз мавсумларида ва 18 (20,5%) бемор йилда бир неча марта аҳволлари ёмонлашишини таъкидлашди. МАР билан оғриган беморларнинг барчасида касалликнинг хуружи ва ремиссияси даврлари ўртасида аниқ фарқ борлиги аниқланди. МАР кечишида кузда 24 (19,2%), 6 (4,8%) қишда, баҳорда 61(48,8%), ёзда 9 (7,2%) бемор, йилига эса 25 (20%) бемор бир неча марта аҳволлари ёмонлашишини таъкидлашди. Бу фарқни организмнинг сенсбилизациясининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, йилнинг муайян даврларида юқори дозаларда аллергенлар таъсир қилишининг ортиши билан изоҳлаш мумкин.

Эндоскопик текширувда ДАР ва МАР учун патогномоник сезиларли даражада кенг тарқалган белгилар аниқланмади. ДАР ва МАРнинг турли даражадаги кечиши оғирлигида эндоскопик ўзгаришларнинг намоён бўлишига нисбатан маълум тартиблилик кузатилди. АРнинг иккала шаклига хос бўлган барча риноскопик белгилар (бурун шиллик қаватининг оқишлиги, Воячек доғларининг аниқлиги, бурун чиғаноқларининг шишиши, димоғ суяги соҳасидаги шиллик қаватнинг ёстиқсимон шишиши) касалликнинг оғир ва ўрта оғир кечиши шаклларида янада аниқ намоён бўлди, касалликнинг енгил кечишида бу белгилар кам кузатилди. 1А ва 2А кичик гуруҳлар беморларида касалликнинг клиник белгилари бошқа тўрт кичик гуруҳлар нисбатан кўпроқ намоён бўлди.

Беморларнинг аксариятида текширув бурун ўтказувчанлиги пасайганлигини кўрсатди. Биринчи гуруҳда бурун ўтказувчанлигининг яққол пасайиши мўтадил пасайиши нисбатан 1А кичик гуруҳ – 4, 1Б кичик гуруҳ – 1.5 марта кўп аниқланди, 1В кичик гуруҳда эса бу кўрсаткичлар бир-биридан фарқ қилмади. Иккинчи гуруҳда бурун ўтказувчанлигининг яққол пасайиши ўртача пасайишига нисбатан 2А кичик гуруҳ – 2,7 марта, кичик гуруҳ 2Б – 2,5 марта, кичик гуруҳ эса 2В – 2,5 марта ошиб кетди. Бу маълумотлар нафас олиш функцияси аниқ бузилиши ДАР ва МАР беморларда ваготония, сўнгра нормотония ва охири симпатикотонияда кузатилишини кўрсатди. Ҳар учала кичик гуруҳда ҳам бурун ўтказувчанлигининг яққол пасайиши АРнинг оғир кечган, кейин ўринда ўртача оғирлик кечган беморларда аниқланди. АР енгил кечишида кўпинча бурун ўтказувчанлигининг мўтадил пасайиши учради.

Шуни таъкидлаш керакки, БВТнинг нормотония ва симпатикотония ҳолати билан ДАРда бир бемордан натижа назорат гуруҳи қийматларидан ташқарига чиқмади, шунга ўхшаш ҳолат эса МАРда БВТнинг ҳар учала турида ҳам кузатилди.

Ҳар иккала гуруҳда ҳам буруннинг ҳид билиш ва транспорт функцияларининг пасайиши кузатилди. Бу ўзгаришлар беморларда ваготония ҳолатида БВТнинг бошқа турлари нисбатан, шунингдек касалликнинг оғир кечишида ишончли ( $P < 0,05$ ) пасайган.

186 нафар (85,7%) АРли болалар умумий батафсил қон таҳлилида эозинофиллар сонининг 7-12% оралиғида орттирганини қайд этилди. Эозинофиллар ва семиз хужайралар, бурун шиллиғи таркибидаги IgE сонининг ўзгариши ДАР ва МАРнинг оғир кечишида энг кўп, кейинчалик ўртача оғирлигида, касалликнинг енгил кечишида энг кам намоён бўлди.

АР билан оғриган беморларга тиббий ташҳисий ёрдам кўрсатиш ҳолатини баҳолаш мақсадида бирламчи соғлиқни сақлашда ишлайдиган 90 нафар врач (30 нафар оториноларинголог, 50 нафар педиатр, 10 нафар аллерголог) дан сўровномалар ўтказилди.

Сўровномалар бўйича қуйидагилар аниқланди:

- барча мутахассислар томонидан клиник протоколларга мувофиқ талаб қилинадиган клиник ва ташҳисот усуллари тўлиқ ўтказилмаган;

- даволаш чора-тадбирлари кенг қамровли аллергологлар томонидан эришилган, АР ташҳиси энг катта чеклашлар педиатрлар томонидан йўл қўйилган, бу масалани ҳал қилиш, уларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади;

- АР ташҳислашнинг энг муҳим усули ЛОР аъзоларини текшируви аллергологларнинг ваколатидан ташқарида қолган;

- ташҳисий текширув усулининг имконияти ва аҳамият билан таниш бўлмасдан туриб, бошқа мунтазам тадқиқот усуллариининг баҳолаш аҳамиятини ошириш ҳоллари кузатилди;

- даволаш чора-тадбирларнинг энг кенг қамрови аллергологлар, энг ками педиатрлар томонидан эришилган;

- оториноларингологлар узоқ муддатли ремиссияга эришишда юқори самарадорликни таъминлаган бўлишларига қарамай, ташҳислаш ва даволаш чора-тадбирларни режалаштириш ва тартиблашда тактик хатолар мавжудлиги аниқланди;

- АР билан беморларни олиб боришда кундалик ишларида турли мутахассисликлар шифокорлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, уларнинг доимий ўз-ўзини такомиллаштириш ва беморларнинг жамолари билан алоқалар ўрнатиш тиббий ва ташҳисот ёрдамни яхшилашнинг муҳим таркибий қисмидир.

Бешинчи бобда тажриба тадқиқот натижалари баён этилган бўлиб, «**Организмнинг дастлабки вегетатив тонуси ҳолатини ҳисобга олган ҳолда соғлом ва аллергик ринитда бурун бўшлиғи морфологик тузилишининг хусусиятлари**» деб номланади.

Тажриба қисмида аллергик ринитни моделлаштиришдан олдин 36 та соғлом денгиз чўчқачалари танланди. Аллергик ринит Д. И. Заболотний усули ёрдамида 30 та денгиз чўчқачаларида моделлаштирилди. Тажрибада АР чақирилган ҳайвонлар 3 гуруҳга – ҳар бири 10 тадан денгиз чўчқачалари бўлган ваготония (биринчи), нормотония (иккинчи), симпатикотония (учинчи)га бўлинди. Назорат гуруҳида 6 та денгиз чўчқачаси бўлиб, улар БВТнинг ваготоник, нормотоник ва симпатикотоник тури 2 тадан ташкил топди.

Текшириш баённомасига биноан тажрибанинг 21 куни ҳайвонлар сўйилди. АРдаги морфологик ўзгаришлар бурун шиллиқ қаватида организмнинг БВТ нормотоник тури фонидида қопловчи эпителийнинг маълум қалинлашиши, шиши ва ўз бириктирувчи тўқимасининг бўшашиши, вазодилатация, хусусан бурун чиғаноқларининг синусоидларида кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, бурун бўшлиғи ва параназал синусларнинг шиллиқ қаватидаги адашган нервнинг нерв чигаллари функционал мақсадига қараб жойлашади. Сезувчи ва ҳаракатлантирувчи нерв чигаллари ўз бириктирувчи тўқима пластинкасидаги томирлардан мустақил жойлашган бўлиб, ҳаракатлантирувчилар бу аъзолар деворининг шиллиқ ости қаватининг силлиқ мускул қаватига яқин бўлади. Вегетатив нерв чигаллари артериал ва вена томирлари билан бирлашиб, ўз пластинкаси ҳамда шиллиқ ости қаватида жойлашади. Соматик нерв чигали қисмида шиш ва баъзи бўшашишлар, атрофдаги тўқималар орасидаги чегаранинг бузилиши, периферик жойлашган нерв ҳужайраларининг катталашиши, марказда жойлашган нерв ҳужайралари ҳажмининг камайиши аниқланди. Парасимпатик нерв тугунларида фақат периневрал шишлар қайд қилинди.

Организмнинг БВТ симпатикотоник тури фонидида АР бурун бўшлиқларининг шиллиқ қаватидаги патоморфологик ўзгаришлар қопловчи эпителий ва бириктирувчи тўқима элементларининг шишиши шаклида намоён бўлди, қон томирлари ва бириктирувчи тўқима деворларида альтератив ва дезорганизацион ўзгаришининг ривожланиши, шунингдек, шиллиқ ости қаватида яллиғланиш ҳужайраларининг мавжудлиги бурун шиллиқ қаватида аллергик ринитнинг ривожланишида дисциркулятор, дистрофик ва деструктив ўзгаришларнинг устунлигини кўрсатди. БВТнинг парасимпатикотоник тури бўлган ҳайвонларда аллергик ринитда бурун шиллиқ қаватидаги энг аниқ патоморфологик ўзгаришлар ривожланиши қайд этилди, улар дисциркулятор, дистрофико-некротик, дезорганизацион ва яллиғланиш ўзгаришлари билан намоён бўлди. Нормотониклардан фарқли равишда дисциркулятор ўзгаришлар кўпроқ намоён бўлди ва диапедоз қон қуйилиши белгиларини кузатилди. Дезорганизацион ўзгаришлар интерстициал бириктирувчи тўқиманинг толали тузилмаларини шиллиқсимон, фибриноид шиш, парчаланиш ва гомогенлаш шаклида теранроқ намоён бўлди. Дистрофик-некротик жараёнлар фибриноид некроз ва толали тузилмаларнинг оқсил дистрофияси шаклида томир деворларида ва интерстициал бириктирувчи тўқималарда кенг тарқалган.

